

11. Мамлакатда инфраструктуранинг интенсив иқтисодий ўсишдаги таъсирини инобатга олиб, янги йўللار куришга ажратилаётган инвестициялар ҳажмини ошириш керак. Хорижий ривожланган давлатлардаги инновацион жамоат транспортларини хусусан ҳаво темир йўлларини Тошкент шаҳрига жорий этишни таклиф этамиз.

12. Аҳоли малакаси интенсив иқтисодий ўсишдаги аҳамиятини инобатга олиб, Ўзбекистонда олий таълим муассасаларида талабалар (абитуриентлар) қамровини 100% гача ошириш керак.

13. Инвестицияларни интенсив ва экстенсивга ажратган ҳолда тақсимлашни йўлга қўйишни ва шу билан интенсив инвестициялар нисбатини экстенсив инвестициялар нисбатига кўра босқичма-босқич ошириб боришни таклиф этамиз.

14. Ишчиларнинг корхоналарда кўп йиллар меҳнат қилиш истагини, корхона ривожига дахлдорлик ҳиссини ошириш учун Ўзбекистон

тижорат банкларидаги тажрибадан келиб чиқиб уларга йил охирида 13-ойлик тизимини ва ҳар йиллик иш стажига ойлик окладининг 10% миқдорида йиллик рағбатлантириш таклиф этилади.

15. Аксиядорлик жамиятларида хориж тажрибасини инобатга олган ҳолда, ишчиларнинг корхона ривожига дахлдорлик ҳиссини ошириш мақсадида ишлаб турган корхонанинг қимматли қоғозлари – аксияларнинг бир қисмини ишчи ходимларга имтиёзли, фойсиз муддатли тўловга сотиш тизимини жорий этишни таклиф этамиз.

16. Иқтисодий ўсиш ишчи кучининг малага ва кўникмасига чамбарчас боғлиқлигини инобатга олиб “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиялари сонини 2 бараварга оширишни ва ушбу кадрлардан унумли фойдаланиш даражасини ошириш мақсадида уларни хориждан қайтганидан сўнг фақат ўз ихтисослиги бўйича мамлакатда ишга жойлаштиришни тавсия этамиз.

17. Ушбу таклифларни келгуси давлат дастурларида инобатга олишни тавсия этамиз.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” №841 сонли қарори, <https://lex.uz/docs/4013356>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тузғисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
3. Качество роста [Текст]: монография / В.Томас, М.Дайлами, А.Дхарешвар и др.: Пер. с англ. СальниковА. - М.: ВесьМир, 2001. С. 29.
4. [Bing Zhou, Xiaoyan Zeng, Lu Jiang, Bing Xue. High-quality Economic Growth under the Influence of Technological Innovation Preference in China: A Numerical Simulation from the Government Financial Perspective. *Structural Change and Economic Dynamics*, Volume 54, September 2020, Pages 163-172](https://doi.org/10.1016/j.strueco.2020.04.010)
5. Mary Amponsaha, Frank W. Agbolaa, Amir Mahmoodb., *The impact of informality on inclusive growth in Sub-Saharan Africa: Does financial inclusion matter?*, Received 8 October 2020, Revised 28 February 2021, Accepted 15 March 2021, Available online 19 May 2021. <https://doi.org/10.1016/j.jpolmod.2021.03.009>
6. Khamdamov Sh. *Analysis of the history of economic growth and its prospects/ Миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг муаммолари ва истиқболлари: тенденциялар, ўсиш заҳиралари ва стратегиялари илмий мақолалар тўплами. ТДИУ ҳузуридаги ИТМ. Тошкент, 2019.*
7. Хамдамов Ш.Р. Барқарор ривожланиш ва иқтисодий ўсиш бўйича янги услубий-амалий тавсиялар. Услубий тавсиянома. ТДИУ ҳузуридаги Илмий тадқиқот маркази № 2021/01/2-1 Тошкент-2021
8. Khamdamov Sh. *Analysis of International Indicators of Innovative Development and Inclusive Growth in the Republic of Uzbekistan/19th RSEP International Economics, Finance & Business Conference Proceedings Full papers. Pg.282-288. 2020 Prague, Czechia*
9. Khamdamov Sh. *Analysis of the state of the green economy in Uzbekistan/ "Innovation in economics". Toshkent-2020. Pg107-114*
10. Khamdamov Sh. *Indicators and Conditions for Sustainable Development. 13th RSEP International Conference on Business, Economics & Finance, Istanbul, Turkey, 2019.*
11. Жаҳон банки маълумотлари. <https://data.worldbank.org/>
12. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотлари. <https://stat.uz/uz/>

ДАВЛАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ СТРАТЕГИЯЛАРИ

Чориев Фазлиддин Ишқуватович -
ТДИУ “Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш” кафедраси катта-ўқитувчи

Аннотация. Ушбу мақол давлат корхоналар ва уларнинг асосий фаолиятини ўрганиш, уларнинг иқтисодиётда тутган ўрни ва аҳамияти, ташкил этишдаги мулкчилик моделлари ҳамда молиявий фаолияти самарадорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ўрганиш ҳамда иқтисодий фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган стратегиялар бўйича амалий тавсиялар ва таклифлар беришдан иборат.

Калит сўзлари: давлат корхонаси, очиқлик, шаффофлик, молиявий фаолият самарадорлик кўрсаткичлари, молиявий барқарорлик.

СТРАТЕГИЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ФИНАНСОВО-ХОЗЯЙСТВЕННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ
ГОСУДАРСТВЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Чориев Фазлиддин Ишқувватович -
Ташкентский государственный экономический университет
старший преподаватель кафедры
«Макроэкономический анализ и прогнозирование»

Аннотация. Данная статья представляет собой исследование государственных предприятий и их основных направлений деятельности, их роли и значения в экономике, моделей собственности в организации и мер по обеспечению эффективности финансовой деятельности, а также практические рекомендации и предложения по стратегиям улучшения экономической деятельности.

Ключевые слова: государственное предприятие, открытость, прозрачность, финансовые показатели, финансовая устойчивость.

STRATEGIES FOR IMPROVING THE FINANCIAL AND ECONOMIC ACTIVITIES
OF STATE-OWNED ENTERPRISES

Choriev Fazliddin Ishquvvatovich -
Tashkent State University of Economics
"Macroeconomic analysis and forecasting"
department senior-teacher

Annotation. This article is a study of state-owned enterprises and their main activities, their role and importance in the economy, ownership models in the organization and measures to ensure the efficiency of financial activities, as well as practical recommendations and suggestions on strategies to improve economic activity.

Keywords: state-owned enterprise, openness, transparency, financial performance indicators, financial stability.

Кириш. Республика миқёсида давлат иштирокидаги корхоналарда истеъмолчига йўналтирилган замонавий бошқарув усуллари, очиқлик, шаффофлик ва бозор тамойилларини жадал жорий этиш, таннархни пасайтириш орқали даромадларни ошириш, ислохотлар жараёнида хусусий капитал иштироки учун кенгроқ имкониятлар яратиш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва рақобат муҳитини янада яхшилаш асосий белгилаб олинган мақсадлардандир.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқиеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш мақсадида давлат мулкни хусусийлаштиришни янада кенгайтириш ва унинг тартиб-таомилларини соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шартшароитлар яратиш, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, давлат бошқаруви тизимини марказлаштиришдан чиқариш ва демократлаштириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўзини ўзи

бошқариш органларининг ролини ошириш каби вазифалар белгилаб олинган.

Адабиётлар таҳлили. Давлат корхоналари нафақат иқтисодий аҳамиятга эга, балки иқтисодий ва иқтисодий бўлмаган ролларни ҳам бажарадилар, масалан, таълим, соғлиқни сақлаш ва давлат хизматларини кўрсатиш ва давлатнинг сиёсий манфаатларини таъминлаш қабилар.

Schneider ва Henrique (2019) ўзининг изла-нишларида давлат корхоналари кўпинча тижорат ва нотижорат мақсадларини бирлаштири-шини ҳамда бир неча ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва тарихий сабаблар орқали ташкил эти-лишини ва сақланиши сабабларини тушунтира-ди. Агар битта етказиб берувчи бўлса (табiiй монополия) ёки рақобат номукамал бўлса, ху-сусий секторлар томонидан таклиф қилиниши қийинт бўлган соҳаларда ҳукуматлар давлат корхоналари орқали ушбу соҳаларни қамраб олишган. Шунингдек, хусусий сектор инвестор-лари мавжуд бўлмаган миллий стратегик, аммо рискли ҳамда узоқ муддатли инвестицияларни амалга ошириш учун давлат корхоналари таш-кил этилган.

Давлат корхоналари жамоат маҳсулотла-рини етказиб бериш ва асосий инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш орқали бозор-даги муваффақиятликларни баргараф этиш-лари мумкин. давлат корхоналари циклга қар-ши инвестиция харажатлари ва иш билан таъ-минланиш орқали бизнес циклини юмшатили-шига ҳисса қўшиши мумкин (Telegdy, 2016). Бундан ташқари, давлат корхоналари коммунал

хизматлардан арзон нархларда фойдаланиш имкониятини кенгайтириши мумкин (Matuszak va Kabacinski, 2021).

Саноат корхоналарини тез-тез саноатлаштиришни рағбатлантириш учун ишлатилади, айниқса янги тармоқларни ишга тушириш орқали катта харажатлар ва узоқ муддатли инвестициялар талаб қилинадиган (Lin va Milhaupt, 2013; Musacchio va Lazzarini, 2014).

Ҳар хил турдаги бизнесда давлатнинг иш-тироқи иқтисодиёт учун фойдали бўлиши мумкин, лекин, шунингдек, бюджет харажатларининг кўпайишига олиб келиши мумкин, айниқса, компаниялар зарар кўрганда ёки самарасиз ишлаётганда.

Давлат корхоналари фаолиятини ташкил этишдаги камчиликлар рақобат муҳитини олдини олиши, муҳим давлат ресурсларини самарасиз ишлатилиши ёки тўғридан-тўғри қарз бериш, кредиторлик қарзини йиғиш ҳамда зарарни бюджет ҳисобидан қоплаш мамлакат ва унинг фуқаролари учун жуда қимматга тушиши мумкин.

Тадқиқот методологияси. Давлат корхоналарининг иқтисодий фаолиятида белгиланган тартибда ташкил этилиши, молиявий самардорликни таъминлашда ҳамда молиявий мустақиллик эришишдаги амалга оширилаётган чора тадбирлар натижаларини тўплаш, таҳлил қилиш орқали таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Давлатнинг давлат корхоналари олдидаги асосий вазибаларидан бири бу фаол мулкдор сифатида ҳаракат қилишдир. Давлат бу ролни бажаришда давлат корхоналарини бошқаришни хабардор ва масъулиятли тарзда, юқори профессионализм ва самарадорлик билан амалга оширилишини таъминлаши керак.

Ушбу муҳим функцияни бажариш учун давлатлар мулкчилик ҳуқуқларини амалга оширишнинг турли моделларини - акциядорлар ҳуқуқларига ўхшаш - давлат корхоналари орқали ўрнатадилар.

Вақт ўтиши билан давлат мулкчилик тўғрисидаги келишувлар, давлат корхоналари юридик шаклини ўзгартириши ва ҳукуматлар давлат корхоналарининг ишлаб чиқариш салоҳиятини яхшилашга интилиши натижасида ривожланди.

Мамлакатларнинг ҳуқуқий асослари сезиларли даражада фарқ қилсада, бугунги кунда мулкчилик моделлари тўртта моделга бўлинади: марказлашмаган, иккитомонлама, маслаҳат ва марказлашган. Марказлашмаган ва иккитомонлама моделлари Европа ва марказий осие минтақасига хосдир, чунки кўп мамлакатлар худди шундай иқтисодий ўтмишга эга (World bank, 2020).

Мулкчилик моделларини ажратувчи қалин чизиқлар йўқ. Аслида, кўплаб мамлакатлар мулкчиликнинг бир турига бўлиниши мумкин, лекин баъзи бир ёки барча давлат корхоналари учун бошқа моделларнинг жиҳатларини сақлаб қолиши мумкин.

Марказлаштирилмаган модел: давлат корхоналарига эгалик қилиш мажбуриятлари турли вазирликлар ўртасида тақсимланган;

Икки томонлама модел: мулкчилик мажбуриятлари тегишли вазирликлар ва марказлашган вазирлик ёки агентлик - молия ёки иқтисодиёт вазирлиги ёки давлат мулки агентлиги томонидан тақсимланади;

Маслаҳатчи модел: мулкчилик тарқоқлигича қолмоқда, лекин маслаҳатчи ёки мувофиқлаштирувчи орган давлат бошқаруви ва мулкчилик масалаларига юқори даражадаги ҳисса кўшади.

Марказлаштирилган модел: давлат корхоналарига эгалик қилиш мустақил ёки ҳукумат таркибида бўлиши мумкин бўлган ягона мулкчилик ташкилотида марказлаштирилади.

Марказлаштирилмаган модел: тарихий жиҳатдан, ҳукуматлар ўз фаолиятини вазирликлар назорати остида ташкил этишган, улар давлат корхоналарининг бошқаруви ва назоратининг барча жиҳатлари учун масъул бўлган.

Марказлаштирилмаган модел, шунингдек, давлат корхоналарининг молиявий ҳисоботлари ва уларни назорат қилиш ва қонун ҳужжатлари ижроси учун масъулиятни бир неча вазирлик ёки идоралар ўртасида тақсимлангани учун корхоналар фаолияти учун жавобгарликни пайсантиради. Марказлаштирилмаган модел европа ва марказий осие минтақасининг бир қанча мамлакатларида, шу жумладан Озарбайжон, Веларусия, Босния, Руминия, Тожикистон ва Ўзбекистонда ҳам мавжуд (OECD, 2018).

Иккитомонлама модел чеклар ва балансларни жорий этиш ҳамда давлат корхоналари устидан техник ва молиявий назоратни рағбатлантириш учун ривожланди. Иккитомонлама модел моделнинг марказлашмаган моделдан устунлиги шундаки, у алоҳида корхоналар устидан молиявий назоратни ҳам, давлат корхоналарининг умумий таҳлилини ҳам амалга оширади. Шу нуқтаи назардан, иккитомонлама модел вазирликларнинг манфаатлари ва мақсадларини мувозанатлаштиради - бу давлат корхонаси ўз сиёсати ва хизматларни етказиб бериш ролини бажаришини ва ҳукуматнинг молиявий кўрсаткичлари мақсадларига умумий даражада эришилишини таъминлайди.

Дунё миқёсида ва Марказий осиеда мулкчилик масалаларида давлат бошқаруви билан боғлиқ кўплаб муаммоларни ҳал қилишга ёрдам бериш учун марказлашмаган ёки иккитомонлама моделдан тобора кўпроқ марказлашган

мулкчилик тўғрисидаги келишувлар изчил ривожланмоқда.

Кўпроқ мамлакатларда давлат ўз активларининг фаол ва профессионал эгасига айланди, шу билан бирга давлат корхоналарига оператив мустақиллик берилди. Бу ёндашув давлат корхоналари сиёсий таъсирдан ва уларнинг фаолиятига ҳар кунги аралашувдан изоляция қилинганлигини ва давлат билан ўзаро муносабатларни сақлаб қолишни назарда тутди.

Мулкчиликнинг марказлаштирилган тартибига кўра, мулкчилик субъектлари вазирликларда ёки вазирлик идораларида, махсус мулк

агентликларида ёки компания типидagi тузилмаларда жойлаштирилиши мумкин.

Мулкни ислоҳ қилиш ҳукуматнинг кўп мулкдорлик иқтисодий тизимини ва хусусий мулк ҳуқуқларини тан олишидан бошланган бозорни ислоҳ қилиш дастурининг асоси ҳисобланади.

Иқтисодиёт бўйича мулкчилик ислоҳоти нодавлат корхоналарнинг пайдо бўлишида ҳал қилувчи рол ўйнади ва ўтиш даврининг дастлабки даврида бозор рақобатини сезиларли даражада кучайтиради (Jefferson, 2016).



1-Расм. Давлат корхоналари томонидан тўланадиган дивиденд тўланиши, млрд.сўм

Манба: Давлат активларини бошқариш агентлиги маълумотларига асосан муаллиф томонидан тайёрланди.

Ўзбекистон Республикасида давлат иштирокидаги корхоналари ҳозирги кун ҳолати бўйича 2698 тани ташкил этиб, шундан 1334 таси давлат корхонаси, 240 таси акциядорлик жамиятлари, 1124 таси масъулияти чекланган жамиятлардан иборат. Ҳозирда ушбу корхоналарнинг самарадорлигини баҳолаш мақсадида самарадоликни баҳолаш кўрсаткичлари (KPI) тизими жорий этилмоқда ҳамда 2020 йил 1 декабрь ҳолатига бўйича 1846 та корхоналарда жорий этилиши режалаштирилган бўлиб 1360 тасида (74%) жорий этилган. Ушбу тизимни жорий этишдан кўтилётган натижалар асосан ушбу корхоналарнинг фаолиятини тўғри баҳолашдан иборат.

Шу билан бирга, давлат иштирокидаги иқтисодий ночор ва иқтисодий таваккалчиликдаги молиявий соғломлаштириладиган корхоналар бўйича “Йўл ҳаритаси”-молиявий соғломлаштириш дастурига асосан 192 корхоналар, шундан 43 акциядорлик жамияти, 97 давлат унитар корхоналари, 52 масъулияти чекланган жамиятлар инвестициялар киритиш, ўз маблағлари, банк кредитлари ва бошқа манбалар ҳисобилан соғломлаштириш мақсад қилинган бўлиб, 2020 йил 1 октябрь ҳолатига 55 корхона молиявий соғломлаштирилган.

Давлат корхоналарининг самарали молиявий фаолити натижасида давлат учун даромад

манбаларидан бири ҳисобланади. 2020 йил бўйича давлат корхоналарининг давлат бюджетига тўлаб берилган дивиденд суммаси 6,4 трлн. сўмни ташкил этган бўлиб, 2019 йилга нисбатан 2 маротаба кўп ва бошқа йилларга нисбатан анча катта фарқ қилишини кўзатишимиз мумкин. Шу билан бирга устав капиталда давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш, иқтисодиётда давлат иштирокини асосланган даражагача қисқартириш ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2021-2025 йилларда давлат ишторокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори нинг асосий вазифаси ва мақсади давлат иштирокидаги корхоналар таркиби ва тузилмаси оптималлаштириш, давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш самарадорлигини ошириш, уларнинг рақобатбардошлиги ҳамда инвестицион жозибдорлигини, корпоратив бошқарув даражаси ва ахборот шаффофлигини ошириш, давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашдир.

Чориев (2019) ўзининг изланишларида илғор тажрибалардан фойдаланган ҳолда давлат корхоналарининг молиявий фаолиятини

такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ҳамда узоқ муддатли стратегик дастурлар ишлаб чиқиш, давлат корхоналарининг молиявий фаолияти билан боғлиқ маълумотларнинг очиқлигини ҳамда шаффофлигини таъминлаш, бу орқали уларнинг ҳолатини таҳлил қилиш имкониятини бериб билан биргаликда, ички ва ташқи инвесторлар учун маълумотларнинг очиқлиги таъминланишига эриши мумкинлиги таъкидлаб ўтган.

Давлат корхоналарига ажратиладиган субсидиялар миқдорини камайтириш, давлат кафолати остида ҳорижий инвесторларни жалб қилиш. Корхоналарни кўп тармоқли акциядорлик жамиятларига айлантириш орқали даромадларини ошириш, ўзини ўзи таъминлай оладиган акциядорлик жамиятларига айлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлигини маълум қилган.

Хулоса ва таклифлар. Ўзбекистонда бир қатор давлат ташкилотлари давлат номидан акциядорлик ҳуқуқларини амалга оширадilar. Асосий вазибаларни тегишли вазирликлар ва Давлат активларини бошқариш агентлиги бажаради Давлат корхоналарининг бошқарув сиёсатини белгилаш корхона асосчиси, лекин асосан Давлат активларини бошқариш агентлиги ва тармоқ вазирликлари зиммасига юкланади. Кўриниб турибдики, барча ёки баъзи давлат корхоналарига тегишли бўлган умумий бошқарув сиёсати йўқ.

Давлат корхоналарининг егалик қилиш функцияларининг аксарияти егалик агентлиги томонидан ёки йиғилиш ёки директорлар кенгаши орқали амалга оширилади. Умумий йиллик йиғилишда кенгаш тайинланади ва асосий мақсадларини белгиланади, Кенгаш эса юқори

бошқарувни тайинлаш ва давлатнинг асосий қарорларини тасдиқлаш учун жавобгардир.

Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқа ҳукумат органлари билан кузатув кенгашлари ва йиғилишларида қатнашадиган ҳукумат вакилларига овоз бериш бўйича кўрсатмаларни мувофиқлаштириш учун жавобгардир. Бундай мувофиқлаштириш фақат Ҳукуматнинг улушига эга бўлган йирик корхоналар ёки муҳим қарорлар учун талаб қилинади.

Ўзбекистон марказлаштирилмаган тизимдан иккитомонлама моделга ўтган ҳолда улкан давлат секторида ислохотлар амалга оширмақда. Бу ўтиш даврида, давлат корхоналари устидан оператив бошқарув ва назорат ҳали ҳам вазирликлар томонидан амалга оширилади. Шу билан бирга, мулкчилик функцияси аста - секин Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказилмоқда, у корпоратив бошқарувнинг тўғри архитектурасини яратиш ва давлат корхоналари фаолиятини марказлаштирилган молиявий назорат тизимини жорий этиш устида жадал ишлар олиб борилмоқда.

Давлат корхоналарнинг иқтисодий фаолиятини такомиллаштириш бўйича белгилаб олинган вазибаларнинг амалга оширишили орқали, корхоналар молиявий фаолиятини тубдан ислох қилиш ҳамда корпоратив бошқарувни рағбатлантириш имкониятлари таъминланади.

Давлат иштирокидаги корхоналарнинг фаолиятида асосий аҳолига ҳизмат кўрсатувчи корхоналар учун ҳукумат томонидан аниқ белгиланган стратегик мақсадлаб ишлаб чиқиш, уларнинг иқтисодий ўсишдаги ўрни ва аҳамиятини белгилаб олиш билан бир қаторда аҳолига сифатли ҳизматларни таклиф қилиш бўйича ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2021 — 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислох қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги 2021 йил 29 мартдаги 166-сон қарори
3. Lin, L.W., Milhaupt, C.J., 2013. We are the (national) champions: understanding the mechanisms of state capitalism in China. *Stanford Law Rev.* 65 (4), 697–759
4. Matuszak, P., Kabacinski, B., 2021. Non-commercial goals and financial performance of state-owned enterprises – some evidence from the electricity sector in the EU countries. *J. Comparative Econ.* <https://doi.org/10.1016/j.jce.2021.03.002>.
5. Telegdy, A., 2016. Employment adjustment in the global crisis. Differences between domestic, foreign and state-owned enterprises. *Econ. Transit.* 24 (4), 683–703.
6. *Corporate Governance of State-Owned Enterprises in Europe and Central Asia. A Survey.* Public Disclosure Authorized. 2020 The International Bank for Reconstruction and Development/The World Bank
7. Jefferson, G. (2016), *State-owned enterprise in China: Reform, performance, and prospects*, Working Paper No. 109R, Waltham, MA: Brandeis University, Department of Economics and International Business School.
8. Musacchio, A., Lazzarini, S.G., 2014. *Reinventing State Capitalism: Leviathan in Business, Brazil and beyond*, first ed. Harvard University Press.
9. *Ownership and Governance of State-Owned Enterprises A Compendium of National Practices (OECD, 2018)*
10. Schneider, Henrique (2019) : *Strategy, independence, and governance of state-owned enterprises in Asia*, ADBI Working Paper Series, No. 986, Asian Development Bank Institute (ADB), Tokyo
11. Telegdy, A., 2016. Employment adjustment in the global crisis. Differences between domestic, foreign and state-owned enterprises. *Econ. Transit.* 24 (4), 683–703.
12. Чориев Ф. "Давлат корхоналарининг молиявий фаолиятини такомиллаштириш". Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистрантларининг илмий мақолалар тўплами – Тошкент-"Молия"-2019.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2021 — 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислох қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги 2021 йил 29 мартдаги 166-сон қарори.
14. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони.